



YOSHALAR OVOZI

№ 55(16360)
6-IYUL, SHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

Biz — kelajak buniyodkorimiz!

Президент ташаббуслари дарси

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш" йўналиши сиртқи бўлим талабалари иштироқида "Президент ташаббуслари дарси" мавзууда семинар машгулоти ўтказилди. Унда талабалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимида ҳаётга татбиқ этилаётган қатор ташаббусларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиб, фикр-мулоҳаза алмашди.



— Давлатимиз раҳбари жамиятнинг руҳлантируви кучи бўлган ижодкорларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш, санъат ва миллий маданиятни ривоҷлантириш бўйича муҳим ташаббуслари илгари сурмоқда, — деди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Юлдошев. — Масалан, бугунги кунда ҳалқимиз ҳаётига янгина мазмун олиб кираётган бешта муҳим ташаббуси олайлик. Ҳалқимиз бу ташаббуслар мазмунини, ундан кўзлананаётган мақсадин қанчалик чуқур англаб етса, улар ижроси шунча самараради бўлади. Шу маънода, семинар жойлардаги маданият ва санъат муассасаларида фаолият олиб борадиган бўлачак мутахассислар иштироқида ўтказилаётгани бежиз эмас. Улар ўз ҳудудидаги маданият ва маърифат муассасаларида фаолият юритиб, аҳоли ўртасида бу ташаббусларни тарғиб этувчи, уларнинг ижроси самарадорлигини таъминловчи катта кучиди.

Ж.МУСУРМОНОВ
Тадбирда бешта муҳим ташаббус, Ҳаракатлар стратегияси, юртимида ижодкорларни кўллаб-куватлаш борасидан ишлар ҳакида талабаларга тушунча берилди.

— Мумтоз қўшиқларни тингловчига тақдим этиш ижодкордан тинимизиз меҳнат ва изланиш талаб этди, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси мақом факультети катта ўқитувчи Илес Арабов. — Аждодларимиздан қонган маънавий мөрсенинг тарбиявий аҳамияти кучли. Буни ёшларга тушунтириш, куй-қўшиқлар орқали етказиб беришдек масъулияти вазифани адо этиш учун ҳам ижод аҳли кўллаб-куватлашади.

Маъмурда ХўЖАҚҰЛОВА



Сирдарёда болалар технопарки қурилади

Хукуматнинг 2019 йил 30 июндан қарори билан Сирдарё вилоятида Бизнес-акселератор ўкув-амалий маркази ташкил қилинди.

Республикада ўхшаши ўйқянги муассаса Инновациян ривожлашни вазирлиги хузурида фаолият кўрсатади. Қизиги, у нафакат ёшлар, балки болалар учун ҳам мўлжалланган. Тафсилотларни билиш масксидида вазирлик хузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази директори ўрینбосари Акбархон Собирхоновга мурожаат этилди.

— Бизнес-акселератор пилот лўйҳа сифатиде жорий йилнинг сенябрь ойидаги ишга туширилади, —

(Давоми 2-саҳифада).

"Yoshlar — kelajagimiz" давлат дастuri — amalda Ёш тадбиркорнинг фойдаси

Янгиариқлик Шаҳноза Жабборова га: "Ёшлар меҳнат гузари" очиҳ учун 100 квадрат метр ер майдони ахрятildi. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда давлат дастури асосидаги амалга оширилаётган ишларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Меҳнат гузаридан жой берилши ёш тадбиркор учун кўшимча кулайликлар яратди. Замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган тикувчилик цехида 7 нафар хотин-қиз ишлар бўлди. Гузарда тикувчилик цехи, гўзалик салони ва ёшларни шартнома асосида ўкиш ва ишлаш учун чет элга юборувчи агентлик ташкил қилинди.

Сумбулой НУРМЕТОВА



Anjuman Таълим, тажриба, тараққиёт

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида "Ўзбекистонда таълим сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги режалар" мавзууда матбуот анжумани ўтказилди.

Узлуксиз таълим сифатини юкори босқичга кўтариш, олий таълим соҳасини ривоҷлантириш, давлат ҳамда нодавлат таълим муассасаларини атtestация ва давлат аккредитациясидан ўтказиб, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш, ўқув жараёнлари самарадорлигини холисона баҳолаш

хакида фикр юриттилди.

— Таълим сифатини назорат қилиши давлат инспекцияси томонидан олий таълим муассасаларни рейтингини аниклаш, методикасини таомиллаштириш мақсадида жаҳондаги етакчи рейтинг агентликлари методологияси ўрганиб чиқиши, — дейди Таълим сифатини назорат қилиши давлат инспекцияси башни оширишини көрсатади.

— Натижада, миллий олий таълим муассасалари фаолиятини баҳоловчи 18 та индикатордан иборат токомиллаштирилган рейтинг тузилмаси яратилди. Умуман олганда, таълим сифатини яхшилашда, аввало, педагог кадрлар малакасини ва маҳоратини ошириш лозим. Аксарият холларда ўқитувчilar саноқли ўқувчиларни иктидорли деб таърифлаб, факат улар билан шугулланади. Оқибатда, колган ўқувчиларнинг билими пасайиб, бу умумий кўрсаткичга салбий таъсир килмоқда.

Дилинза АТОЕВА

Munosabat

Мактабгача таълим — эртамиз пойдевори

Мактабга кадам кўйган кунимиз синфодин Нодира: "Ой, бир ўзим мактабга кирмайман, мен билан колинг!", деб йиглаганди.

Ўшанда онамдан:

— Ой, нега Нодира мактабга боришини хоҳламайди? — деб сўради.

Онам:

— Чунки у бояғига бормаган. Дадаси ва онасидан узода бўлмаган. Шунинг учун мактабга ўрганолмайти, — деб жавоб берди.

— Энди у мактабга келмайдими?

— Албатта, келади. Сен у билан дугона бўл. Нодиранинг дўстлари кўп бўлса, мактабга осон кўнкади...

Богчага борган ва бормаган болалар орасида сезизларли фарқ бўлди. Сабаби, bogcha таълим мини олган бола хозиржавоб, фикрини бемалоб бўён эта олади. Шу боис bogcha боришига таълим-тарбия ҳар бир болаланинг келажаги учун муҳим. Ривожланган давлатлар болаларнинг таълим-тарбияси учун катта сармоя киритаётгани бежиз эмас. Сабаби бу сармоя вакт ўтиши билан 15-17 баробар бўйлуб кайтади. Бизда эса шу вактгача бу кўрсаткич атиғ 4 баробарни ташкил этар экан. Бундан кўринадиган, юртимида мактабгача таълим соҳаси ўйлар давомида оқсангар.

Президентимиз 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлиса йўллаган мурожаатномаси-

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛARНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЖОРИЙ ЭТИШ, МУАССАСАЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ ЯНГИЛАШ КЕРАК.

да ҳам мактабгача таълим соҳасига алоҳида тўхталиб ўтди. Тизимга болалар камвонини янада ошириши кераклиги таъкидланади. 2019 йилда болаларни мактабгача таълимга камраб олиши даражасини 44 фоизга етказиш масқад килинди. Лекин бунга осонлика эришиб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестицияни дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги карорига мувоғиқ мактабгача таълим муассасаларини куриш ва реконструкцияни килишига 1 трilliон 654 миллиард сўм ажратилишиган бўлди.

Мутахассисларнинг айтишича, бола дунёни англшага доир маълумотларнинг 85 фоизини 5 ёшига қадар ўзлантириш экан. Шунинг учун ҳар бир болалингин келинлиги ва кизикнешларидан келиб чиқиб маълум бир ихтиносликка ўйналтиришни мактабгача таълимдан бошлиши айни мудда. Бунинг учун, аввало, малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш ва янги технологияларни таълим жараёнига жо-

рий этиш, муассасаларни моддий-техник базасини янгилани керак.

2018 йил септбрдан олий маълумотга эга тайёрлов гурухи (5 ёшдан 6-7 ёшгача) тарбиячисига ҳак тўлашнинг базавий таъриф ставкалари мидори умумтаълим мактаби бошлангич синф ўқитувчилари маошига тенглантирилди.

Бу каби сайй-харакатлар турли шароитда вояжга етадиган болаларнинг замонавий мактабгача таълим муассасалариди тарбиялашишига замин яратади.

Махфуз ЯШИНОВА,
Алишер Навони номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети талабаси

Fotolavha



Кўчалар гулга бурканди

Нукус шаҳрида "Гуллар саъли" ўтказилди. Унда Ёшлар иттилоғининг Коракалпогистон Республикаси кенегаси ходимларни фоал шиғорук этиб, гуллардан нағис композициялар яратди.

И.В.Савицкий номидаги Коракалпок давлат санъат музейига туташ ҳудуд, "Эл-юрт байраги" майдони ва марказий кўчалардаги бундай ёзул манзара ёшу қарининг кўзини қамаштириди. Сайил доирасидаги нукусликлар учун байрам дастури ҳам намойини этилди.

Индира МАМБЕТНАЗАРОВА



> Tashabbus

Ёшлар иттифоқининг Арнасой тумани кенгаши ёш фермерлар етиштирган маҳсулотлар ярмарасини ташкил этди.



Ўзимизда етиштирилган

Унда 15 нафар ёш фермер ва тадбиркор катнишиб, юз нафардан зиёд йигит-киз камраф олинди.

Ислом Абдуллаев полиз маҳсулотларини етиштиради. Ўтган йили унга тадбиркорлик фоалиятини бошлаш учун "Мустакиллик" маҳалласи ху-

Малик СИНДОРОВ

Тўрт тенгдошини ишли қилди

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фиждувон тумани кенгаши ташаббуси билан ҳудуддаги "Хайридин барака" кўп тармоқли фермер хўжалигига агросаёҳат ташкил этилди.

Фермер хўжалигини Гулхәс Асадова "Yoshsha - kelajagimiz" жамғармасининг 200 миллион сўмлий иккита кредити асосида ташкил этилди. Айни пайтда, 60 сотих ер майдонида 15 минг туп бодринг ва помидор кўчтари экилган. Йил давомида хосилдан 400 миллион сўм фойда олинади. Бундан ташкири, хўжалик парандачилик ва чорвачилик билан хам шуғулланади.

Зарнигор НАФИДИНОВА

Агросаёҳатда ёшлар фермер хўжалиги раҳбари билан мулокот қилди. Суҳбатда ишини ташкил этиш, юрттин, фоалиятни кенгайтириши ва иш ўрнлари сонини кўпайтириши хакида сўз борди.

Саёҳат якунидаги ёш фермер 4 нафар тенгдошини иш билан ташминлаб, кунинг 40 минг сўм маош белгилади.



Чўкиш ҳолатлари кўпайган

Бугунги кунда юртимизда ахоли учун 400 дан ортиқ умумий чўмиш жойи ажратилган. Шунингдек, 19 мингдан ортиқ сув хавзаларига "Такиқланади!" деган огохлантириш ёзувни ўрнатилган.

Фавқулодда вазирлар вазирлиги ахоли ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусияти фавқулодда вазирлардан мухофаза килиши, кичик ҳажмли кемалардан хавфисиз фойдаланини соҳасида давлат назоратини ташкил этиши мавзусида ўтказган матбуот анжуманида шулашарни сўз борди. Турли ҳалокатларнинг олдини олини максадиди соҳа ходимларни комплекс, киска муддатли назорат тадбирларини ўтказаётгани айтилди.

— Бизнинг максадимиз кичик ҳажмли кемалардан фойдаланишида хавфисизлик-

киши касб-хунар ўрганади. Уларнинг барчasi бизнес-лоиха яратмаган ёки инновацион фоалиятга кўл урмаган тадқирида хам, ҳаркалаи, иш топиш учун кўпроқ имкониятга эга бўлади. Олий маълумотсиз аёллар контингентига алоҳида ётибор қаратилган. Акбархон Собирхоновнинг айтишича, озиқ-овқат ва ёнгил сабаби ўналишлари айнан улар учун кўзуда тутилди.

Максадда пазандалик, тикувчилик ёки сартошни сирларини ўрганиб чиккан хотин-кизлар шу ернинг ўзида буюрта олиши ҳамда мижозларга хизмат кўрсатни мумкин. Энг фоалияти, улар алоҳида ажralib чикмокчи бўлса, зарур жиҳоз ва асбоб-

ускуналар бепул тақдим этилади. Яна бир гап. Бизнес-акселератор донрасида ёшлар стартап лойхалар яратниши ҳам мумкин. Шу максадда коворкнинг ҳудудлари ташкил килиниб, малакали мутахассислар иштирокида машгулотлар ўтказилиди. Марказ истиблили ишланмаларга инвестициялар жалб этишини ҳам ўз симмасига олган.

Замонавий ахборот ва инновацийон технологияларга кизиқувчи йигит-кизлар учун бепул ўкув курсларини очамиш. Масалан, улар 3D принтерда ишлаш кўнкимларини ўзлаштириб, маҳаллий бозорга юкори технологик сифатларни махсулотлар етказиб бериши мумкин. Ҳаркалаи, сирдарёлик бўлгуси новаторлардан

бундан-да креатив фоя ва ташабbus-лар чиқишига ишонман.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бизнес-акселератор ўкув-амалий марказида болалар технопарки ҳам курилади. Унда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун тўғрак машгулотлари олиб борилади. Хонарад Инновациян ривожланниш ва новаторлик гояларини кўллаб-куватлаш жамғармаси маблагларни хисобидан робототехника тўпламлари ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланиб, болажонлар учун ҳақиқий инновацион мактаб мухити яратилиди.

Наргиза УМАРОВА
ёзб одди.

> Yuksalish

Энди "Qvant" лашами!

Ўзбекистонда биринчи бор илм-фан ва инновациялар ҳақида оммабоп мақолалар бериб борувчи даврий нашр — "Qvant" журнали таъсис этилди.

Маскур стартап лойиха ҳамортларимиз — Лондондаги Вестминстер университети PhD докторларини, дунёдаги энг кучли ёш иктиносин олимлар сафидан жой олган Рауфхон Салохўжаев хамда иктисадчи-хуқуқшун ўмидла Усмонова асос соглан "ERGO" консалтинг компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланниш вазирлиги кўмагиди амалга оширилмоқда.

Журнал нишона сонининг тадқимот маросимида уни яратниша ўз хиссасини кўшган ижодий гурӯҳ, бир катар вазирлар, идора ва таъсилотлар, олий таълим мушасасалири вакиллари, олимлар ҳамда тадбиркорлар иштирок этилди. Тадқири очиб берган Инновацион ривожланниш вазирлиги ИброГим Абдурахмонов таъқидлагандек, ҳозир оддимизда миллӣ инновацион экотизимни шакллантириш вазифаси турибди.

— Илмий салоҳиятимиз қанчалик юкори бўлмасин, инновацион фоя ва ишламаларни тижоратларимиз оиласиз эканмиз, илгор давлатлардан оркада колаверамиз, — деди вазир. — Башка



номдор олимлар иштирокида маротабларни ўзбекистондаги ўзбекларни ташкил этиш режалаштирилди. Дарвое, "Qvant" журнали таъхти таркиби анҷаин нуғузли. Рўйхатда АҚШ, Хитой, Чехия, Беларусь Республикаси, Африкадаги стажчи университетлар профессорларини учрашиш мумкин.

Роҳатой ҚОДИРОВА

> Tahlil va talqin

ҲОТАМТОЙЛАР КАМ, КОРРУПЦИЯ ҲАЛИ ҲАМ БОР!

Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов журналист ва блогерларнинг қалтис саволларига жавоб берди

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ўтказган таҳлилларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистон эрта демографик дивидент босқичида турибди. Содда қилиб тушунтирганда, юртимизда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони болалар ва кексалар улушидан кўп. Бир неча йилдан сўнг эса туғилиш суръати пасайиши ҳисобига вазият ўзгара бошлайди.

Халқ таълими вазири ташкил этиган навбатдаги матбуот анжумани аввалида вазир Шерзод Шерматов айнан шу фактга ургу бергани бежиз эмас.

— Оддимизда иккита йўл турибди, — таъкидлари вазир, — ё хозирги демографик вазиятдан унумли фойдаланин, таълимга юкори зътибор каратган холда (бир вактлар Жанубий Корея килгани каби – изоҳ мулалифни) ривожланган давлатлар каторига қўшилмализ ёки кеч нарсан ўзгартирмайди, хозирги Лотин Америкаси мамлакатларидек колоқликка коз тутамиз. Шахсан мен ёшларимизга портол келажакираво кўраман. Шунга харакат киляпмиз хам. Хусусан Президентимиз жорий йил 29 апрелдаги фармони билан Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясин тасдиклиди. Бу шунчаки бир хужжат эмас, балки ўта жиддий, стратегик миссиядир. У мактаб таълимини сифат жиҳатидан янги погонага кўтараётганди. Масалан, ўн йилдан кейин таълим сифатини бахолайдиган халқаро PISA рейтингидаги кучли 30 талиқдан жой олишина максад килганимиз. Мен Концепциянинг факат битта йўналиши хакида гапирдим. Ҳужжатда ҳаммаси булиб 48 та максадли кўрсаткин назарда тутилган.

Шерзод Шерматов даставалав ўқитувчилик жамиятдаги обўрии ва макомини ошириш зарурлигини кайд этди. "Бугунги кунда халқ таълими тизими ходимларни касбига таалукли бўлмаган кўча супуриш, ободонлаштириш, бетон кўйиш, пахта терни каби ишлардан тўлиқ озод этилди, — деди вазир.



Ўзбекистон 2030 йилгача таълим сифати бўйича дунёдаги 30 та илғор мамлакат каторига киришни мақсад қилган

Доирасида жорий йилда 888 та мактабда қўрилиш-тъамирлаш ишлари олиб борилмоқда. Давлат бюджетидан салқам 1 трilliон 300 миллиард сўм ажратилган. Халқ таълими вазири эндилисида мактаб таълими учун харажатлар сметаси хозиргирик бир йил эмас, балки уч йилга тузилишини маълум килди. Бу эса курилиш-тъамирлаш ва моддий таъминот ишларига маблғаларни ўз вактида, кечиктирмай етказиш имконини беради.

— Мактаблар учун нафакат давлат, бал-

ки ҳаммаларимизнинг ўзи хам жон койтишини кохлардим, — кайд этиди Шерзод Шерматов. — Ўтган йили "M-fond" лойхасини ишга туширганди. У орқали хар кайси фуқаро исталган мактабга ҳомийлик ёрдамини кўрсатни мумкин. Афусски, бундай хотамтойлар хозирча кўп эмас.

Мактаб инфратизилимаси хакида тўхтаталар экан, вазир Концепция доирасида 2 минг 864 та мактабнинг иситиш тизими янгилангани (2021 йилгача улар барча умумталим маскаларидан

тўлиқ ишлайди), 181 тасининг ички канализация тизими тъамирлангани, 579 тасида янги ҳожатхона, 175 тасида ошхона, 138 тасида замонавий спорт заллари курилти, 493 та мактабнинг атрофи ўтларни, қолаверса, 2025 йилгача барча мактабларга тоза ичимлик суви етказиб берилшини айтди.

Айни вактда халқ таълими вазири замонавий мактаблар учун мезонлар ишлаб чикмокда. Режага кўра, кейнинг ўн йилда мактабларимизнинг ярни мана шудай тасвирга эга бўлади. Шу билан бирга, деярли барча мактабларда дарсларни бир сменага ўтказиши кўзуда.

2030 йилгача ривожланниш концепциясидан мактабдан ташкири таълимини ислоҳ этишига хам ётибор каратилган. Шерзод Шерматовнинг кайд этишича, бу бўйича Президентнинг алоҳида кораро лойхаси тайёрланмоқда. Унга кўра, 400 та умумталим мактабида "Баркамол авлод" синфлари очилиди, тўғараклар сони 1 минг 500 тага етказилиб, 15 та янги йўналиш ҳамда мамлакат бўйлаб 20 та робототехника маркази ташкил килинади.

Журналистар билан мулокот чоғида вазир жорий йилда Тошкент, Наманган, Хива ва Нукус шаҳарларида очиғланган Президент мактабларидаги кабул жарҳи, бир ўнинг 50 нафарчага ўқувчи тўғри келаётгани, синовдан ўтломаган ўтил-қизларни ихтисослаштирилган давлат умумталим мактаблари хамда мактаб-интернатларига йўналтириш истиқболлари, шунингдек, мактабларда ўқув дастурларини янгилашга жайдий киришилгани, бунда дарс соатларини кўшиши ва камайтириш биланниш мумкин. Афусски, бундай хотамтойлар хозирча кўп эмас.

Тадбир доирасида "UMS" мобиль алока оператори халқ таълими тизими ходимлари учун "O'qituvchi" имтиёзи тариф режасини ишлаб чикканни маълум килини, мазкур хизматни йўлга кўшиш бўйича иккса томонлами келинисув имзоланди.

Н.БАХОДИРОВА



САЁХАТ — МАЪНАВИЙ РОҲАТ



Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни тарихий обидалар ва муқаддас қадамжолар билан яқиндан танишириш мақсадида Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2017 йил 28 ноябрдаги қарорига биноан тасдиқланган “Ёшлар туризм агентлиги” МЧЖ ўтган давр мобайнида кенг кўламли ишларни амалга ошириди.

Агентлик ўтган киска давр мобайнида ёшларга бой маданиятизим, ранг-баранг урф-одатларимиз, аънаналимизни кенг тарғиб килишида хам мухим қадамлар ташлайди. Хусусан, республикамизда ташкил килинган “Улоқ — кўпкари”, миллӣ Ўйнлари, “Бахор ифори” миллий ракслари, “Сумалак саън” туризм ва миллий кадриятлар, “Шарқ таомлари” каби фестиваллар, “Бахор-ёл миллий либослари” кўргазмаси доирасидан кўпгина ёшларга юртимизнинг туризм вилоятлари бўйлаб саёҳат сафарлари ташкил килиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириши давлат кўмитаси билан БМТ Жаҳон саёҳлик ташки-

лоти ҳамкорлигига жорий йилнинг 3-5 октябр кунлари ташкил килинган “Илак ўйлида туризм” Тошкент халқaro саёҳлик ярмаркаси хам “Ёшлар туризм агентлиги” халқaro ҳамкорликни ривожлантиришида куляй платформа бўйлаб хизмат кили. Ярмарка доирасида Туркия, Индонезия, Малайзия ва Жанубий Корея давлатларининг мамлакатимиздаги элчиҳоналари кўмагида 26 туркомпания ва агентлик билан шартномалар имзолашга эршилди. Шуннингдек, халқaro тадбирда 100 дан зиёд меҳмонхона, 70 дан ортик ресторан ва кафе-бар, овқатланиш шоҳбочлари, 10 та музей-кўрикхоналар, 20 та маҳаллий саёҳлик фирмаси, 5 та транспорт агентликлари билан

ўзаро фойдали битимлар имзоланди. Шуннингдек, 2018 йилнинг 16 октабр куни Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашида Индонезиянинг “RD tours” саёҳлик компанияси билан учрашув ўтказилди. Келгусида индонезиялик умрага боруви, фуқароларни аввал Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларига зиёратни ташкил килишлари ва ўзбекистонлик ёшларнинг Индонезиянга ташрифларини ташкил этиш тўғрисида келишиб олини. Шу билан бирга, индонезиялик саёҳларга маъкул келадиган бир нечта саёҳлик дастурлари таъбланди.

Жорий йилнинг 11 ноябр куни “Ёшлар туризм агентлиги” ходимлари билан Туркиянинг Ўзбекистондаги

элчиҳонасида бўйлаб ўтган навбатдаги мулокот хам самара кечди. Хусусан, элчиҳонанинг маданият ва туризм масалалари бўйича маслаҳатчиси Жесем Челеби билан мулокот чоғидаги иккимамлакат ёшлари ўтрасидаги ҳамкорликни давом эттириш, туркиялик турфирмаларнинг Ўзбекистонга ва Ўзбекистон фирмаларининг Туркияга танишув ташрифини амалга оширишга келишиб олини. Ҳозирда музокалар давом этмоқда.


Президентимизнинг тавсияларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан 2018 йилнинг 7 декабрь санасида пойтахтимизда Ўзбекистон — Киргизистон II ёшлар форуми ўтказилди. Форумда, жумладан, “Ўзбек — киргиз ёшлари туризм

маркази” фаолиятини йўлга кўйиш ис-тиблолари ўрганилди.

Агентлигинг волонтёрик мак-таби хам шакллантирилган, бутунги кунда турли олий ўқув юргуларининг талабаларидан иборат 200 дан ортик йигит-киз маскур мактабда фаолият юритиб келмоқда.

Камола ИСМОИЛОВА,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи таъсисчилигидаги
“Ёшлар туризм агентлиги” МЧЖ директори:

— “Ёшлар туризм агентлиги” МЧЖ юртимизда ёшларни миллий қадрият ва аънаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, тарихий ўзлники асрар-авайлашга қаратилган фаолиятини бундан-да ривожлантириш йўлида самара ҳамкорликни амалга ошириша давом этади.



2018 йил ва 2019 йилнинг январ — апрель ойларида жами 2 882 823 НАФАР ЁШ УЧУН САЁХАТ ТАШКИЛ КИЛИНГАН. Шундан 2178405 НАФАРИ ЭСА ТУМАНЛАРАРО САЁХАТ ҚИЛГАН. Эътиборли жиҳати шундаки. Агентлик томонидан Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган ба буқувинин ўйқотган оила фарзандлари хамда ЁШЛАРНИНГ ФАОЛ ҚАТЛАМЛАРИДАН ИBORAT, ЖАМИ 1 785 НАФАР ЁШ УЧУН САЁХАТ ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН. Булардан 462 НАФАРИ ВИЛОЯТЛАРАРО ВА 1 323 НАФАРИ ТУМАНЛАРАРО ЁШЛАР ТУРИЗМ АГЕНТЛИГИ томонидан бепул саёҳат қилган.

ИЧКИ ТУРИЗМ:



2018 йилнинг сентябрь, октябрь, ноябрь ва декабрь ойлари давомидаги юртимизда Россия Федерацияси, Буюк Британия, Саудия Арабистони, Грузия, Хиндустон, Япония, Венгрия, Жанубий Корея, Германия, Туркия, Киргизистон, Тоҷикистон, Эрон, Туркменистон, Афғонистон, Франция, Хитой, Озарбайжон, Миср, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Қозогистон Республикаси сингари ҚАТОР ДАВЛАТЛАРДАН 2 МИНГДАН ОРТИК САМЕҲ ТАШРИФ БУОРДИ.

ТАШКИ ТУРИЗМ:



Туркия, Индонезия, Малайзия ва Жанубий Корея давлатларининг мамлакатимиздаги элчиҳоналари кумагида 26 ТУРКОМПАНИЯ ВА АГЕНТЛИК БИЛАН ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ.

Япония ва Германия давлатларидаги туризм соҳаси вакиллари билан истиқболли келишувларга эришилди.

70 дан ортик ресторон ва кафе-барлар, овқатланиш шоҳбочларни

10 та музей-кўрикхона

100 дан зиёд меҳмонхона, 20 та маҳаллий саёҳлик фирмаси, 5 та транспорт агентлиги

БИЛАН ЎЗАРО ФОЙДАЛИ БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ.



Баркамоллик спорт билан!

Умид РАЖАБОВ, Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Спорт ва саломатлик бўлими мудири:

— Спорт билан шуғулланган инсон аспо кам бўлмайди. Айниқса, касалликлар тобора кўпайиб, дунё ёшлари орасида иммунитет пасайиб борётган бир даврда ўғил-қизларимиз соглом турмуш тарзига жалб қилиш муҳим хисобланади. Утган иккى йил давомида Ёшлар иттифоқи ўғил-қизларимиз учун кўплаб спорт тадбирларини ўтказди. Бу каби баҳслар ёшларни ягона бир максад — Ватан равнағи йўлида бирлаштиради. Ўғил-қизларимиз бир-бирлари билан дўстлашиб, эл корига яраса, бизнинг энг катта ниятимиз амалга ошганини билдиради. Президентимиз хам кўп маротаба мана шу жиҳатга ургу бердилар. Биз ҳам шу мақсадда ишлаймиз.

ўтасида “Мардлар кўриклайди ватанни!” шиори остида югуриш марафони ўтказилди. Марафонда 9 минг нафардан зинёд ёш иштирок этди.

2018 йилнинг февраль ойида “Ёшлар орасида гиёҳванд воситалярнинг тарзлигида карши кураш” тезкор-профилактик тадбир ўтказилди. Мазкур тадбир 14 минг нафара якин ёни камрап олди.

21 марта — Наврӯз умумхалк байрами муносабати билан уюштирилган “Ёшлар Наврӯз марафони”га республика бўйича 22 мингдан ортик ёш жалб этилди. Шу жумладан, 200 нафардан ортик хукукни муҳозафа куилчи орган ходимларни ва ҳарбий қисмлардаги ёшлар хам катнашди.

26-27 марта куни Бўстонлик туманинг “Ёшлар оромгоҳи”да “Mega спорт” мусобақаси, “Yoshlar — kelajagimiz” шиори остида футболь мусобақаси бўйлаб ўтди. 27-28 августан кунлари Бўстонлидаги “Ёшлар оромгоҳи”да маҳалла ёшлари ўтасида “Биз — чемпион!” шиори остида жамоалар ва индивидуал иштирокчилар ўтаси-

да илк маротаба “Mega спорт” мусобақаси ўтказилди.


2019 йилнинг ўтган даври мобайнида ташкил этилган тадбирлар мундарижаси хам аниа бой. Жумладан, 7-13 январ кунлари Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини билан ҳамкорликда “Ёшлар спорт хафталиги” доирасида 20 дан ортик спорт турнир бўйича жисмоний тарбия ва оммавий спорт тадбирларини ўтказди.

Январ ойида “Ёшлар шахмат тахтаси” республика очик турнирининг 1-2-бошкичларда 530 минг нафардан ортик ёш иштирок этди.

3-4 февраль кунлари Тошкентдаги Фуркат истироҳат бўигида жойлашган “Ice Avenue” муз саройида фигурулари бўйича “Тошкент конькілари” республика турнири ўтказилди. Мусобақада 100 нафара якин ҳаваскор ва професионал ёш иштирок этди.

2019 йил февраль ойида Тошкентдаги “Ёшлар кубоги” мусобақаси ўтказилди. Белашувларда 22 та Мехрибонлик уйидан 330 нафар тарбияланувчи иштирокер этди.

Шу йил 5-6 марта кунлари Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Ҳозирине келиб юзига хос пойдевор вазифасини бажарди.



га топширилди. Ҳозирги кунга қадар 200 нафарга яқин ҳодим мунтазам равирида спорт билан шуғулланни келмоқда.

Февраль ойида 14-17 ёнгача бўлган Мехрибонлик уйидар тарбияланувчилари ўтасида спортивнинг футбол турнири “Ёшлар кубоги” мусобақасининг худудий босқичлари ўтказилди. Белашувларда 22 та Мехрибонлик уйидан 330 нафар тарбияланувчи иштирокер этди.

Шу йил 5-6 марта кунлари Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Қишик спорт турлари асосида спортивнинг киши

мураккаб техник турлари бўйича Ресpubлика олий спорт маҳорати мактаби хамда “Ice City” спорт-кўнгилочар мажмуси ҳамкорлигига спортивнинг фигурулари учни турнир бўйича ташкил этилган фестивалда кариб 60 нафар йигит-киз ўз маҳоратини намойиш этди.

22-24 марта кунлари Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Милли олимпиада күмитаси, Ҳозирине келиб юзига хос пойдевор вазифасини бажарди.

Марафоннинг очилиш маросимида Осиё енгил атлетики федерацияси раҳбари Даҳлан Ал Ҳамад ҳам иштирок этди. Марафонда 28 та хорижий давлати вакиллари билан бирга 2 минг нафарга якин Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзолари катнашди.

Бир сўз билан айтганда, Ёшлар иттифоқи юртимизнинг кишилк-овулларига қадар кириб бориб, спортсевар ўғил-қизларни кашф қилди. Уларнинг келажакдаги иирик гала-парига ўзига хос пойдевор вазифасини бажарди.

носабати билан ҳудудлардаги таълим мусассалари хамда уюшмаган ёшлар



> Siz nima deysiz?



Adabiyotni dengizga o'xshataman. U asta mavilanib, bag'rida dur hosil qiladi. Bu durlar asrlar mobaynida insoniyatga xizmat qiladi. Xuddi betakror iste'dod sohiblarede.

dabiyot savdo maydoni emas

Afsuski, oxirgi paytda dabiyot deya atalmish ulkan dengiz ko'lmakka aylantirilmoqda. Bunday holatda befarq qarab bo'lmaydi, albatta.

Adabiyot dengizingin g'avvosi — yozuvchidir. Yaxshi yozuvchi cho'qqiga intiladi, boshqalarni ham ortidan ergashitadir. Biroq tijorat maqsadidagina yoziqlan, savyisi past asarlari bilan buni uddalab bo'lmaydi. Inson shaxsiy kutubxonasi uchun tosh bosadigan, salmoqli adabiyotlarni xarid qilishni xohlaydi. "Yaxshi asarlar" deganda faqat qimma kitoblar tushinilmasligi kerak.

Ba'zilar tanlangan asarlarini kulliyot, deb nashr qildiradi. Natijada adabiyot pul topish vositasiga aylanmoqda. Demak, adabiyotimiz qadsrizlanishida ma'lum darajada noshirlar ham ayybor.

Yozuvchi sal tanisla bo'ldi, darhol asarlar tilga tushib, o'n martalab qayta chop qilinadi. Muxbirlar mual-

lidan iekhilikni man qiluvchi qonun, tog' odam, bolalar tug'ilishi ustidan nazorat o'matish va shunga o'xshash boshqa g'aroyib mavzular xususida fikr olib, rosa holdan toydiradi. Bi-roq vaqt o'tishi bilan ushu ijodkorlar "durdon" asarlarining soxtaligi bilinib, qimmatini yo'qotadi.

Ustoz abdilarning fikricha, badiyi asar chinakam individualistik muhriga ega bo'lmog'i dorkar. Ammo hozirgi ko'pgina asarlar bir-biridan uncha ham farqlanmaydi. Haqiqiy yozuvchi kundalik ehtiyoji uchun ijod qilinmaydi. Chunki u bundan ancha balandda turadi.

Adabiyotni sirti yaltiroq toshilar bilan to'ldirmaylik. Bu xazinaga faqat asil gavharlar yarashadi.

Shodiya TURDIYEVA,
talaba

> Yoshlik ilhomni

SO'Z GALAYOTIR...

1.

Qadamlar ovozi tindi. Qal'a bo'shay boshla-di. Jimlik lashkari darvozani tambaladi. Uyosh chekin turib, savollardan charchagan Kalta mi-norga o'zingiz oxiri nurini tuhfa etdi.

Devorlarga jon kirdi. Ark saroyidan bir gala qush uchib chiqdi-da butun qal'an uyg'otdi. Xo'ja minor tarafidan sado keldi. "So'z galayotir — ishq qaytayotir!", "So'z qaytayotir — ishq qaytayotir!". Sado butun shaharni egalladi. Devorlar bir silindiki. Haram darvozasini yopib oldi. Polvon pirdan gumburlagan ovoz eshitildi. Qal'a devorlari titray boshladi. Tosh ko'chalar urlanganandy bo'ldi. Bir qabrdan ovoz chiqdi, hech kim eshitmadni. Ovoz kuchaydi, hech kim eshitmadni. Ovoz butun borliqa yoyildi. Endi barcha saroylardan ovoz chiqqa boshladi...

"Ne juri' at la Ogahiy ochg'ay og'iz so'z dergakim,

Yuz xayli g'am qilmish hujum ul zor noshot ustina."

Xo'ja minor jo'r bo'ldi: "Ustina, ustina..."

Kalta minor jo'r bo'ldi: "Ustina" ...

Ota darvozadan kuy kirdi, devorlarga urildi, ruhlarni qo'zg'atdi. Kalta minor qadдин rostildi, savollarni unutdi va ishqni kuta boshladi. Dishon qal'ada ik-kita sharpi paydo bo'ldi. Devorlar ularni "elchilari" dedi. Elchilar devor yoqalab yurdi-da, qal'aning bir bo'lagini o'zlariga qamab, shahar chiroqlari yorug'i da yurib ketdilar. Minoralar ularni uzoq ku-zatdi. Qal'aning favqulodha uyg'onishida binorta odam bolasi xabar topmadidi. Tarixiy uyg'onish ularni uxlatgandek edi.

2.

Tong otdi. U bog'cha darvozadan kirdi, devorlar yonidan befargarcha o'tdi-da, Ark saroyiga kirib ketdi.

Qorong'i yo'lab bo'yab zinalardan bir-bir ko'tarilar ekan, g'ayritabi bir tuyg'uni his qildi. Qal'a tirkidek tuyuldi. Devorlar unga nimadir demoqchi ekaniga ishondi. Yuziga nur tushdi, shu yerde oxir-

gi zinaga kelganini anglatdi. Saroyning eng yuqori joyigiga chiqib, qal'ani kuzata boshladi. E'tiborini dastlab Kalta minor tortdi. Yoshligida buvisi aytilib bergan rivoyatni eslatdi: "Buxoroning go'zal malikasi, unga ko'ngil qo'yan Xiva xoni, malikaning saroyi ko'rinib turishi kerak bo'lgan minora qurish haqidagi va'da, erishilmagan muhabbat, bitmay qolib "kalta" tamg'a-sini olgan minor..." Ko'zlarini yumdi,



**Devorlar aytgan haqiqatni esa ich-ichlariga joylab olgandi.
Ular devorlar aldamasligini, adashmasligini bilardi.**

sida turib qoldi. Butun vujudi bilan minoran his qildi. Uni subhatga chorladi.

— Seni kim qurban, og'a?

— Meni ishq qurban!

— Nega xomushqan?

— Uni kutyapman?

— Kimni?

— Buxoro malikasini, malikamni.

Sen u emasmissan?

— Yo'q...

Kalta minor ortiq gaplashishni ista-madi. Qiz ham boshqa savol bermadi. Beitsixtor lablari pichirladi.

— Og'a, seni kim qurban? — dedi Kalta minor.

— Meni amal qurban, seni kim qur-gan? — dedi Xo'ja minor.

— Meni ishq qurban...

— Balki shuning uchun ham oyoq osti bo'lmassan!

Bu subhat uni titradti, titrog' yu-rigandan chiqayotgandi. Shu chog'da kat-ta quchog'i bo'lishini va Kalta minorni quchoqlab, uni yuptashini istadi. Birdan g'ala-g'ovur boshlandi. Devorlar qaltrib ketdi. Odamlar esa buni sezmadni ham. "So'z galayotir — ishq qaytayotir!". Sado butun qal'an tutdi. Faqatgina u eshitdi. Xo'ja minor tagida parilarga o'xshash bir qiz paydo bo'ldi. U boshqalardek emasdi. Juha shunchaki kelmagandi. U qal'an emas, qal'a uni tomosha qilayotganga, undan bir oq'iz maqtoq eshitishga mush-toqqa o'xshardi. Nigoj bilan devorlarga nimadir deyotgandek edi. Tosh yo'ldakan ohista yurib keldi-da Kalta minor qarshi-

Endi poyoniga yetmagay anduh. Men seni go'nsayman, Kalta minorning Girdida aylanib yurgan baland ruh". Undagi titrog' kuchaydi. Kim bu qiz? Nahot qal'an u tirlitigan bo'lsa? U — so'zni? Ishqni u olib keldimi? Qiz qanday kelgan bo'lsa, shunday ketdi. O'zi bilan esa Kalta minorning ranglarini olib ketgandek edi. Uning ko'ziga qizning sochlari movis tuda ko'rindi. Minor esa biroz o'sgandek, oldingidan balandroq tuyuldi...

Ota darvozadan ular keldi. Ham-masida pariqizdagidek allanima bor edi. Devorlar qo'zg'aldi, Tosh ko'cha larza-ga keldi. Saroylar qaltriroq ichida qoldi. Juma minoradan azon ovozi eshitidi, eski tandirlarda olov ko'rindi, naqshlar bir-biriga qorishib ketdi. Ular esa qal'aga yoyilib, uning har burchiga jon baxshida etayotgan edi. Qal'a rassom chizgan surtaga ko'chdi, suratkash olgan tasviriga ko'chdi, aytayotgan so'zga ko'chdi. Ular esa qo'payib borar, hamma narsa ularga ko'chayotgan edi. U esa hamon Ark saroyidan kuzatar, turgan joyidan bir qadam ham qo'zg'almasdi. Agar qo'zg'algudek bo'lsa, bu mo'jizalar yo'qolib qolishidan yo'qardi. Polvon pir atrofida ulardan uch-to'rttas maqbara haqida gapirib berayotgan odamni tinglashardi. Ular ishnomasdi. Ularning o'z haqiqati, o'z so'zi bor edi. O'zlar allaqachon devorlar bilan subhat qurjan. Devorlar aytgan haqiqatni esa ich-ichlariga joylab olgandi. Ular devorlar aldamasligini, adashmasligini bilardi.

— Ark deganlari semmisan?

— Ha menman.

— Ustunlarinda iztirob hidi bor. Ko'z yosh isi bor.

— Iztirob ham, ko'z yosh ham tugay-di, biz esa ularni ko'rishga, his qilishga mahkummiz. Ko'z yoshing wa iztirobing ni姿za qolibr. O'zingga esa qadimi ruhdan ol!

Zig'ladimi, yo'qimi unga ko'rinnadi. Lekin Arkdan chiqar ekan, ustunlarga qarab tabassum qildi. Bu tabassum botayotgan quyosh nurlari bilan devorlarga urildi. U hammayoqda so'zni, ishqni his qildi. Tiriklik havosi badaniga urildi. Qal'an tarik etkan, ich-ichidan yashayotganini his qildi.

Qal'a ichida esa o'sha sado qolib ketdi: "So'z galayotir — ishq qaytayotir!"...

> Mutolaa san'ati

Gilbert Kiyt Chesterton 1874-yilda Londonda tug'ilgan. Yozuvchi, jurnalist, dramaturg. 200 dan ziyod hikoya, 4 mingdan ortiq esse, "Payshanba kuni bo'lgan odam", "Ko'chib yuruvchi" romanlari muallifi.

Gilbert Kiyt CHESTERTON

Ular shunday tushunadilar

ular safsata deb atalardi. Hozir g'oya deviyildi. Ba'zan ular qay bir jihat bilan foydali, ba'zida esa turgan-bitgani zarar. Ammo ular hamisha bir haqiqatiga, aniqrog'i, chala haqiqatga olib boradi. Xillas, odam zamonaviy hayot kechirishga intilishi mumkin, ammo buning uchun xursandchilik yoki muomalonani unutib yubormasligi lozim.

Eretiklar (yoki fanatik) — umumiy tarib-qoidalarga, odatdagi qarashlarga xilof fikr yurituvchi, ish tutuvchi kishi, bid'atchi) haqiqatni juda qattiq sevuv-chillardan emas, haqiqatni qattiq sevib bo'lmaydi. Eretik haqiqatni Haqiqatdan ko'ra ham ko'proq sevuchidir. U odamlar izlab topgan haqiqatni tushunishni sira xohlasmaydi, o'zi izlab topgan chala haqiqatni avlo ko'radi, chunki bebabu paradoski umumiy o'rinnlarining dyujinasiga bog'liq va ularning barchasiga bir bo'lib, dunyoning donishmandligini yaratadi.

Ba'zan shunday kishilar shafqat-siz va oddiy bo'ladi, xuddi Tolstoy singari; ba'zida Nitsheday sergav va ta'sirchan; ba'zan Shouday aqlli, topqar va jasur tuyuladi. Ular doim ko'pchilikda o'zlariga nisbatan qizi-qish uyg'otadi va aksariyat hollarda muxlis ottiradi. Ammo har doim va har yerdan ularning muvaffaqiyati zamirida, bir xil xato yashiringan bo'ladi. Hamma ularni yangi bi-kashfiyot qildi deb o'yildaydi. Aslida-chi, g'oyaning o'zi yangi emas, uning g'oyasiga teng keladiganlarning bar-chasi bartaraf etilgan bo'ladi. Mana shu fikri barcha buyuklarda — Homer va Vergiliyning tortib, Fielding va Dikkensgachi bo'lgan mualliflarning barcha mumtoz asarlaridan topa olasiz, faqat u — asosiy o'rniда, boshqa fikrlar esa ularni to'ldiradi yoki rad etadi. Buyuk yozuvchilar bizning yangi modafurishlarga ma'qilini bera-

nard Shou o'zining yorqin va haqiqiy yeyesasi "Mayor Barbara"da siyqasi chiqqan axloqning yuziga nafrat bilan qaraydi. Buz: "Qashshoqli illat emas" deb aytamiz. Yo'q, deb javob beradi Shou, qashshoqli — illat, illat bo'lganda ham barcha illatlar onasidir. Qashsho bo'lib qolaverish jinoyat — agarda isyon qila olsang va boy bo'lish yo'lini bilsang! Kimki qashsho bo'lsa, u — qo'rroq, xushomadgo'y yoki yaramasidir.

Ayrin alomatlarga ko'ra, Shou va uning ko'plab muxlislari bu g'oyaga katta ahaniyat bergen. Odatdagida, bu obraz ham, g'oya ham yangi emas. Bekki Sharp aytgan edi, yili-ging ming funtga yaxshi bo'lish oson, ammo yiliga yuz funtga juda qiyin. O'tgan safargiday, Tekkerey bunday qarashni nafaqat bilgan va bu borada shubhalanmagan, aqlli va o'ta samimiy kishining xayoliga kelishini juda yaxshi bilgan. Bekkingin sinizmi, og'ir-bosiq Jeyn va Dobbin, o'zicha aqlli va yuzaki haqiqatgo'y. Andersha va Shou sinizmi esa o'zining jiddiy pand-nasihatlari bilan shunchaki yolg'on, xolos. Shunchaki yolg'on, das qashsho odamlarni boylardan ko'ra yaramas yoki xushomadgo'yoq. Aqli o'ktir Bekkingin chala haqiqatni avvalo tanqiliq bo'ldi, keyin yuqumli kasallikka aylandi va niyoyat, yolg'on bo'lib chiqdi.

Birinchini va ikkinchi holatdan ham bitta xulosa chiqarish mumkin. Biz "yangi g'oya" deb ataydigan narsalar tarixning parchalari, unutilgan esklidir. U yoki bi fikr buyuklarning xayoliga kelmagan degan fikrga bormaslik kerak; u kelgan va o'sha joydan tentakliki bo'ldi, keyin yuqumli kasallikka aylandi va niyoyat, yolg'on bo'lib chiqdi.

Birinchini va ikkinchi holatdan ham bitta xulosa chiqarish mumkin. Biz "yangi g'oya" deb ataydigan narsalar tarixning parchalari, unutilgan esklidir. U yoki bi fikr buyuklarning xayoliga kelmagan degan fikrga bormaslik kerak; u kelgan va o'sha joydan tentakliki bo'ldi, keyin yuqumli kasallikka aylandi va niyoyat, yolg'on bo'lib chiqdi.

Boshqa bir misol keltiraman. Ber-

Rus tilidan HUMOYUN tarjimasi.



1 savolga 1 javob

— Bolani davlat bog'chalariga joylashtirishda kimlarga imtiyoz beriladi?

Dilnoza ATOYEGA
Toshkent shahri

Savolga huquqshunos Gulbahor RASULOVA javob beradi:



Bolalarni davlat bog'chalariga joylashtirishda nogiron shaxslarning, uch nafr yoki undan ko'p bolasi bo'lgan oilalarning, harbiy xizmatchilar va huquqni muhofaza qilish organlari xodimlarning, talabalar va pedagoqlarning farzandlari, yetim yoki ota-ona qarivoz qolgan hamda aka opalar ushbu muassasan tarbiyalanuvchilar jumlasidan bo'lgan bolalarga maktabgacha ta'lim muassasida bo'sh orinlar majjud bo'lganda biringchi navbatda yo'llanma beriladi.

> Bilasizmi?

Dunyodagi eng qimmat doris "Glybera" preparati hisoblanadi. Ushbu doris vositasini kamyoq genetikaslik natijasida qonda po'ladigan dog'larini davolash maqsadida ishlab chiqarilgan. Biroq preparatning bir martalik davolash kursi million dollar bo'lgani bois, uni hech kim totib olmagan.



E'lon!

O'zbekiston Davlat jahon tillari universiteti Davlat attestatsiya komissiyasining 2007-yil 2-iyundagi qaroriga binoan Xasanova Loba Temurovnaga berilgan M № 029276 raqamli magistrlik diplomining ilovasi yo'qolgan tufayli bekor qilinadi.

"Sharq" nash